



TJAS

Thematic Journal of Applied Sciences

informing scientific practices around the world
through research and development

Thematic Journal of Applied Sciences

Volume 3, No. 5, September 2023

Internet address: <http://ejournals.id/index.php/TJAS/issue/archive>

E-mail: info@ejournals.id

Published by ejournals PVT LTD

Issued Bimonthly

Chief editorS.

G. Ahmed

Professor of Computational Mathematics and Numerical Analysis Faculty of Engineering, Zagazig University, Zagazig, Egypt, P. O. Box 44519

Requirements for the authors.

The manuscript authors must provide reliable results of the work done, as well as an objective judgment on the significance of the study. The data underlying the work should be presented accurately, without errors. The work should contain enough details and bibliographic references for possible reproduction. False or knowingly erroneous statements are perceived as unethical behavior and unacceptable.

Authors should make sure that the original work is submitted and, if other authors' works or claims are used, provide appropriate bibliographic references or citations. Plagiarism can exist in many forms - from representing someone else's work as copyright to copying or paraphrasing significant parts of another's work without attribution, as well as claiming one's rights to the results of another's research. Plagiarism in all forms constitutes unethical acts and is unacceptable. Responsibility for plagiarism is entirely on the shoulders of the authors.

Significant errors in published works. If the author detects significant errors or inaccuracies in the publication, the author must inform the editor of the journal or the publisher about this and interact with them in order to remove the publication as soon as possible or correct errors. If the editor or publisher has received information from a third party that the publication contains significant errors, the author must withdraw the work or correct the errors as soon as possible.

OPEN ACCESS

Copyright © 2023 by Thematics Journals of Applied Sciences

CHIEF EDITOR

S.G. Ahmed

*Professor of Computational Mathematics and Numerical Analysis Faculty
of Engineering, Zagazig University, Zagazig, Egypt, P. O. Box 44519*

EDITORIAL BOARD

Yu Li

*Wuhan University of
Technology, China*

Seung Man Yu

*Seoul National University of Science
and Technology, South Korea*

Syed Saeid Rahimian Kolor

*Universiti Teknologi Malaysia,
Malaysia*

Eko Susanto

Menegment of journal Indonesia

Siti Mazlina Mustapa Kamal

Universiti Putra Malaysia, Malaysia

ELSEVIER



SSRN

Universal
Impact Factor



АБДУЛҲАМИД МАЖИДИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Юлдошева Мадина Алимжон қизи

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат

Ўзбек тили ва адабиёти университети

стажор-тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада XX асрнинг 20-30 йилларида қисқа умр кўрсада, ўзбек адабиёти учун туганмас ҳисса қўшган ижодкор Абдулҳамид Мажидий ҳаёти ва ижоди ўрганилган. Давр муҳити қисқача ёритилиб, асосан, ёзувчининг шеърияти ва ундаги ғоявий-бадиий жиҳатларга урғу берилган. Шеърларидаги идеал образ тасвири ўрганилган, ёмон иллатлар қаттиқ қораланганлиги ва юмор остига олингани кўрсатилган. Шоирнинг нафақат шеърият, балки публицистика, драматургия, режиссёрлик ва фельетонлари ҳақида қисқача маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: сатира, публицистика, хажв, қатағонлик, фельетон, театр, режиссёр, драматург, юмор, Октябрь инқилоби, актуал ғоя, "Муштум" журнали, гуманизм, ҳикоянавислик, танқидийлик.

XX аср ўзбек адабиётининг йирик, аммо ижоди кам ўрганилган намояндалардан бири Абдулҳамид Мажидий ҳисобланади. Ўз шеърлари билан ўзбек шеъриятига ҳиссасини қўшган, хажв ва сатиралари билан адабиётни янги поғонага олиб чиққан, драматик ва публицистик асарлари билан доврўқ қозонган адибнинг ижодий мероси ранг-барангдир. Минг йиллик адабиётимиз тарихида бу серқирра ижод соҳибининг ўрни катта. У яратган адабий мерос улкан бўлиб, унинг бугунги кундаги аҳамиятини ошириш, қалам аҳли билан яқиндан таништириш, ижодий меросини қайта тиклаш, асарларини қайта нашр эттириш долзарб масалалардан саналади.

Маълумки, Абдулҳамид Мажидий ўзбек адабиётининг 20-30-йиллардаги дарғаларидан бири ҳисобланади. У қатағонликнинг мудхиш азоблари гирдобидида қатл этилди ва бор-йўғи 38 йил умр кўриб истиқлол ва мустақилликни орзу қилиб ўтган ватандошимиз эди. Истиқлол туфайли эса бундай алломалар ижодиёти билан кенг танишиш имконияти яртилди. Ёзувчи "Абутанбал", "Чақмоқ" каби тахаллуслар остида шеър ва дostonлар, ҳикоя ҳамда драмалар, илмий, публицистик мақолалар ва фельетонлар битиб эл орасида шуҳрат топди. Ижодкор таниқли театр режиссёри ва йирик журналист сифтида ҳам танилган эди.

Серқирра ижодкор ҳамиша хурсандчилик ва беғараз кулгига чанқоқ халқимиз учун зарур бўлган, инсон меъдасига тегмайдиган мавзуларда маҳорат билан юмористик асарлар яратган. Бундан ташқари, муаллифнинг ўша замон зайли билан яратилган, "замон сенга боқмаса, сен замонга боқ" қабилида битилган 30-йиллардаги асарлари ўзида тарихийликни сақлаши билан ўз даври ҳақида, адолатсизликлар ва хунрезликларининг туб моҳияти тўғрисида келажак авлодга маълумот берувчи манба сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Абдулҳамид Мажидийнинг ижтимоий фаолияти жуда барвақт бошланган. У ёш бўлишига қарамай, ҳамиша курашчи авлоднинг олдинги сафларида боришга интиларди. Янги ҳаёт тақозо этган ҳар бир масала унинг қалбига нур сочиб кирар, йўлини ёритиб борарди. Мажидий қалбида шеър туйғуси ҳам ўз-ўзидан пайдо

бўлган эмас, албатта. Энг аввало, оила муҳити катта тасъир кўрсатган, яъни бувиси Саидабиби саводхон, зукко аёллардан эди. Амакиси Абдували Махдум ўз даврининг таниқли маърифатпарвар шоирларидан саналарди. Ёзувчи "Туркистон" газетасида босилиб чиққан "Муҳаббатдан бир дарс бўлсин" ҳикояси ва "Бузуқликларимиз қачон битади?" фельетони, "Абутанбал" тахаллуси билан "Зарафшон" газетасида эълон қилинган кўплаб сатирик шеърларида давр камчиликларини кўрсатган, ижобий ўзгаришларни дадил ҳимоя қилган, соҳадаги камчиликларни танқид қилган. Бу каби ижод намуналари ила адиб шуҳрат қозона бошлайди. Шоирнинг бойлар ва руҳонийларни, инқилоб душманларини, порахўр ва бюрократларни, хотин-қизлар озодлиги душманларини - барча бадкор унсурларни хажв остига олган шеърлари кўпинча қўлда кўчирилиб, одамлар орасига тез тарқалган. Бу асарлар босилиб чиққан "Машраб", "Муштум" журналлари эса қўлма-қўл бўлиб кетган.

Мажидийнинг ўша даврдаги ижодиётида сатирик поэзия, бадиий публицистика ва адабий тадқиқот жанри намуналарини кузатиш мумкин. У ҳар уч йўналишда ҳам сермахсул ижод қилган, ҳаёт тақозо этган ўз даврининг энг актуал ғояларини ҳимоя қилган.

Мажидийнинг шеърлари ранг-баранглиги ва ғоявий мазмуни жиҳатидан тезда шуҳрат қозона бошлайди ва рус тилига ҳам таржима қилиш ишлари бошланади. Жумладан, унинг 128 мисрадан иборат "Лоҳутий хотираси" шеъри рус тилига таржима қилиниб Ф.Фуломнинг "Кўкан", Ойбекнинг "Дилбар - давр қизи", Ҳамид Олимжоннинг "Бахтлар водийси", Уйғуннинг "Коммунизм гулбоғларига" каби асарлари қаторида "Литература Ўзбекистана" альманахида киритилиб, қардош халқлар китобхонларига тортиқ қилинади. Шоир ҳар бир асарнинг ғоявий нуқсонсиз, бадиий мукамал, шаклан пишиқ бўлиши учун курашарди. Унинг ижоди, айниқса "Муштум" журналича ишлаган даврида гуркирайди. Журналнинг ҳар бир сониди ёзувчининг бир қанча сатирик шеър ва ҳикоялари "Абу Тамбал", "Тамбал", "Мажидзода", "А.М" имзолари остида босилиб чиқади. Унинг ватан тараққиёти йўлида тўсиқ бўлиб турган эски анъаналарни, қоқоқликни, лўттибозлик ва порахўрликни фош қилувчи "Алдаркўса", "Улфат", "Дўстимнинг уйланиши", "Лўттибоз", "Лайлатул қадр" номли ўндан ортиқ ҳикояси, "Кучала", "Папирос фалсафаси", "Кўрганмисан шоир, бизнинг диёрни" дostonлари, "Рўза", "Тўйдан кейин", "Эски маҳси", "Тухмат" сингари эликдан ортиқ сатирик шеърлари ана шу даврнинг маҳсулидир.

Мажидий бир қатор лирик шеърларнинг ҳам муаллифидир. Шоирнинг лирик шеърлятида ватан куч-қудрати, унга ва халқига бўлган меҳр-муҳаббат каби мотивлар ўз аксини топган. Шу жумладан унинг "Кўриқлайман", "Октябрь кўшиғи", "Ўзбекнома" ва "Аму тўлқинлари" номли асарлари диққатга сазавордир.

Октябрь инқилоби туфайли меҳнат эркинлиги қўлга киритилади. Мамлакатда ижтимоий меҳнат қарор топади. Меҳнаткашларнинг турмуш тарзи яхшилана бошлайди. Ана шу ўзгаришлар янги инсон характерини шакллантирди, унинг маънавий қиёфасини ўзгартирди. Шунинг учун ҳам 30-йиллар ўзбек поэзияси учун ижтимоий меҳнат мадҳи характерли мавзу бўлиб қолди.

Тирикликнинг маҳкам биноси - меҳнат,

Ҳар нуқсоннинг дори давоси - меҳнат.

Ҳар ютуқнинг туби, асоси - меҳнат,

Меҳнат билан яшнайти бу замона, -

Шоирнинг шу каби шеърларидаги сатрларда ҳам бунинг ўз аксини кўриш

мумкин. Маърифатпарвар ёзувчининг ижодини ўрганиш давомида тарихда бўлиб ўтган уч хонлик хукмронлиги, ўша даврда рўй берган омонсиз қирғинлар, тўхтовсиз хужумлар, маданият намуналари ер билан яксон бўлганликлари ҳақида ҳам ачиниш ва афсусланиш акс этирилган шеърларни кўришимиз мумкин:

Бир кун Бухоро босар Қўқонни,
Бир кун Фарғона зафар топади.
Бир куни хивалик қамаб қўрғонни,
Бухоро халқини қириб чопади.

Абдулҳамид Мажидий ўзининг сатирик шеърлятида аруз вазнидан, классик адабиётдаги поэтик жанрлардан унумли фойдаланган. Ва унинг яна бир ўзига хос жиҳати, бу аниқ шахсларнинг айнан номи билан танқид остига олиши бўлган. Шоирнинг "Хандон лолалар" китобидан жой олган "Мустаҳзод", "Сухбат", китобга кирмай қолган "Саводсизликнинг битириш бир йиллиги", "Қори Мамат" каби хажвий шеърлари "Хужум дostonлари" туркумини ташкил этган. "Деди, дедим" номли сатирасида ёзувчининг порахўрларни қаттиқ танқид остига олгани кўринади:

Дедимки, порани олманг, ҳазар қилинг андак,
Бурутни қирдилинг, соқолни ўрдилинг жиндак,
Махов бўлинг, қаранг ойина сари маймундек,
Деди: дамнингни чиқарма, уятни хуркитасан.

Бироқ жиноятчи ўзини ҳеч қачон айбдор ҳис қилгиси келмайди. Айниқса, порахўр ўзини "ҳожатбарор", "одамохун" кўрсатиб, олган порасини ҳам "ҳалол" деб изохлашга уриниши шеърларида кулги остига олинган. 30 йилларга келиб эса сатира мавзуси янада кенгайиб борди, мазмун жиҳатдан бойиди .

Мажидийнинг ижодий фаолияти ҳақида гапирилар экан, унинг театр санъати тараққиётига қўшган ҳиссасини ҳам тилга олмай бўлмайди. Чунки у Хоразм округ театрини тиклагач, ижтимоий-сиёсий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бир қанча асарларни саҳнага олиб чиқади. Дастлаб Хамзанинг "Ифбат қурбонлари", "Сайлов олдида", Яшиннинг "Икки коммунист", "Тенг тенги билан", Гогольнинг "Ревизор", Озарбайжон драматурги Жаъфар Жабборлининг "Ойдин" драмаларини саҳналаштиради. Режиссёрлик фаолияти Мажидийнинг ўзини ҳам драматик асарлар ёзишга руҳлантиради. "Оқ олтин", "Отсиз", "Варқа ва Гулшоҳ" асарлари шулар жумласидандир .

Шоир шеърляти улуғ Навоийга хос гуманистик ғояларни олға суриш тенденцияси, салбий шахслар кирдикорларини ўз тилидан фoш этилиши, воқеликнинг саҳна кўринишлари ва ҳикоянавислик асосида очиб берилиши унинг ўзига хос хусусиятлари сафига қиради. У хоҳ лирикада, хоҳ сатирада, хоҳ драмада ёки публицистикада бўлмасин унинг эстетик идеали аниқ: жамият кишилари ахлоқан пок, Ватанга содиқ, меҳнатсевар, аҳил, серғайрат, ташаббускор, маънавий гўзал бўлиши керак! Шу идеал унинг лирик ва сатирик шеърлари, проза ва драматик асарлари, ҳикоя ва публицистик мақолалари, ҳатто фельетон ва танқидий интермедияларининг ҳам ғоявий асосини ташкил этади. Шундай экан, Абдулҳамид Мажидий ўзининг кўпқиррали ижодиёти билан ўзбек адабиётининг байроқдор ёзувчилари қаторида туриб, янги жамият кишисини тарбиялаш, маънавий камол топтиришда муносиб хизмат қилган катта истеъдод эгаси сифатида юксак эътрофга лойиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Самариддин Сирожиддинов. Абдулхамид Мажидий. Адабий портрет. Тошент, Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1982. - 120 б.
2. Абдулхамид Мажидий. Танланган асарлар. Тошкент, Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1974. - 156 б.
3. Самариддин Сирожиддинов. Ленин йўли. Газета. Самарқанд. 1990 й, 12 январь №8. 4-б.
4. Абдулхамид Мажидий. Танланган асарлар. Тошкент, "Маънавият" 2000. - 1937 б.
5. Абдулхамид Мажидий. Танланган асарлар. Кўнгил орзулари. Т., Маънавият, 2000. - 160 б.

ELSEVIER



SSRN

Universal
Impact Factor

